



МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ РЕФЛЕКСИВ БАҲОЛАШ

Гульнар Кунназарова

Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ мустақил тадқиқотчиси

E-mail: kunnazarovagulnar@gmail.com

Илмий раҳбар: педагогика фанлари номзоди, доцент Т.Қ.Кудайбергенова

Резюме. Рефлексив баҳолаш ҳар бир шахснинг муайян педагогик жараёндаги иштирокини мустақил таҳлил ҳамда маълум кўрсаткичлар ёрдамида қайд этишни англатади. Бу турдаги баҳолаш шахснинг ўз-ўзини назорат қилиш, фаолияти самарасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. ОТМда ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини рефлексив баҳолаш талабаларнинг тегишли жараёндаги иштирокларини қайд этиш, кўзланган мақсадга мувофиқ тадбир таъсирида уларда муайян сифатларнинг ривожланганлик даражасини белгилашга имкон беради. Мақолада маънавий-маърифий ишлар жараёнида инглиз тили тарғиботини таъминлашга қаратилган бадий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш тадбирларининг самарадорлигини рефлексив баҳолаш моҳияти ёритилган.

Таянч сўзлар: адабиёт, бадий адабиёт, талаба, фаоллик, фаолликни ошириш, ижтимоий-коммуникатив фаоллик, рефлексивлик, рефлексив баҳолаш.

Анъанавий ҳамда замонавий таълимда ҳам ўқитиш натижаларини таҳлил қилиш орқали унинг сифатини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилади. Одатда, бу жараён назорат ишлари, синов, имтиҳон ёки аттестация шаклида амалга оширилади. Таълимнинг маълум босқичи яқунланганидан сўнг ўқитиш сифатини баҳолаш педагог ҳамда талабалар фаолиятида қўлланилган метод, усулларнинг самарадорлигини белгилашга имкон беради. Бунинг натижасида педагоглар нисбатан самарасиз бўлган ўрнига самарали метод, усулларни танлаш тўғрисида ўйлаб кўради. Демак, таҳлилий баҳолаш ўқитиш жараёнини такомиллаштирувчи муҳим омиллардан биридир.

Педагогик кузатиш ОТМда тарбиявий жараённинг самарадорлигини ўрганишга деярли эътибор қаратилмаслигини кўрсатди. Аксарият ҳолатларда маънавий-маърифий ишлар режасида белгиланган тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади. Бироқ, тадбирлар ташкил этилганидан сўнг уларнинг қай даражада самарали бўлгани таҳлил қилинмайди. Бу эса педагогик жиҳатдан катта хато саналади. Бинобарин, таҳлил қилинмаслик тарбиявий жараённинг ижодий характер касб этмаслигига олиб келади. Тадбирларнинг асосий қисми мажбурийлик тамойилига таянилган ҳолда ташкиллаштирилади ва ўтказилади.

Бизнинг фикримизга, ҳар бир маънавий-маърифий тадбир ўтказилгандан сўнг, албатта, унинг мазмуни, ташкил этилиши, ўтказилиши, самарадорлиги муайян мезонлар асосида таҳлилий ўрганилиши, бунда асосан, экспертлар ва



талабаларнинг фикрлари инобатга олиниши зарур. Рефлексив баҳолаш ана шу мақсадга хизмат қилади. Бу турдаги баҳолашнинг моҳиятини англаш учун дастлаб “рефлексия” тушунчасининг моҳияти билан танишиш талаб қилинади.

Рефлексия (лот. “reflexio” – ортга қайтиш, акс этиш): кишининг ўз хатти-ҳаракатлари, уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти; шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш), ўз-ўзини таҳлил қилиши [2, 60-б.]. Қобилият сифатида рефлексия нафақат педагоглар, балки бўлажак мутахассислар сифатида талабалар, умуман олганда, қайси соҳада фаолият юритишдан қатъи назар барча мутахассисларда ривожланган бўлиши зарур. Зеро, рефлексив қобилият ҳар бир шахс, жумладан, ҳар бир мутахассис томонидан “ўзига четдан назар солиш, аввал англамаган одатлари, айниқса, хулқ-атворининг моҳиятини англаш, шунингдек, турли, хусусан, муаммоли, қийин вазиятларда ўз-ўзини, ўз имкониятларидан фойдаланиш” [1, с. 115-116]; улар (шахс ёки мутахассис)нинг “ўз фаолиятининг мақсади, мазмуни, шакли, метод, усул ва воситаларига оид билимларини яхлит талқин қилиш, ўзига ва ўзининг фаолиятига ўтмиш, бугун ва келажак нуқтаи назардан танқидий муносабатда бўлиш, шахсни ўз фаоллиги субъектидан ижтимоий тизимга айлантирувчи” [4] ҳаракатларни амалга ошириши учун шароит яратади. Қолаверса, рефлексив таҳлил ёрдамида “таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўз фаолиятига бўлган муносабати мувофиқлаштирилади ва ҳамкорликдаги фаолиятнинг шакл ва мазмунига мос равишда мазкур фаолиятнинг қайта ташкил этилиши таъминланади” [3, 48-б.].

Маънавий-маърифий ишлар жараёнида инглиз тили тарғиботини таъминлашга қаратилган бадий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш тадбирларининг самарадорлигини рефлексив баҳолаш йўл-йўлакай эмас, балки алоҳида жараён сифатида ташкил этилиши лозим. Бинобарин, тарбиявий ишлар режасида белгиланган навбатдаги тадбирнинг оқилона ташкил қилиниши, муваффақиятли ўтказилиши рефлексив таҳлил ва баҳолаш жараёнига бевосита боғлиқ.

Тадқиқот моҳиятидан келиб чиққан ҳолда инглиз тили тарғиботини таъминлашга қаратилган бадий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш тадбирларининг самарадорлигини рефлексив баҳолаш учун алоҳида вақт ажратилмай, гуруҳ соатларида амалга оширилди. Рефлексив баҳолаш жараёнини ташкил қилиш учун савол-жавоб, интервью, давра суҳбати, эссе ёзиш каби фаолият шакллари танланди ҳамда



баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишдан аввал бу борадаги мавжуд тажрибалар ўрганилди.

Ўрганишлар натижасида тарбиявий ишлар тизими самарадорлигини баҳоловчи мезонларнинг қуйидаги икки гуруҳга ажратилиши аниқланди:

1. Далилловчи мезонлар – таълим муассасасида оқилона ва мақсадли ташкил этиладиган тарбиявий ишлар тизимининг мавжудлигини аниқлашга қаратилган мезонлар. Бу турдаги мезонлар қуйидагилардан таркиб топади:

тарбиявий ишлар мазмуни, кўлами, характерининг таълим муассасасининг имкониятларига мослиги;

таълим муассасаси жамоасининг тарбиявий ишларни ташкил этишдаги бирлиги;

педагогик шарт-шароитлар ва тарбиявий омиллар ўртасидаги интеграциянинг таъминланганлиги.

2. Сифат мезонлари – ўтказилган тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва самарадорлик даражасини баҳолашга йўналтирилган мезонлар. Бу гуруҳдаги мезонлар қуйидагилардан иборат: тарбиявий тизимнинг таълим муассасаси томонидан белгиланган мақсадга яқинлиги даражаси; тарбиявий ишлар негизида педагогик ғоялар, тамойиллар ва концепцияларнинг амалиётга татбиқи даражаси; таълим муассасасида қарор топган психологик муҳити, мавжуд қулайлик даражаси; таълим субъектларининг ўзаро муносабати услублари [5].

Маънавий-маърифий ишлар жараёнида инглиз тили тарғиботини таъминлашга қаратилган бадиий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларининг самарадорлигини рефлексив баҳолашда далилловчи ва сифат мезонлари алоҳида гуруҳларга ажратилмай, аксинча, синтезланган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Рефлексив баҳолаш жараёнида иккита: 1) тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш; 2) респондент-талабалар томонидан ўзларининг ижтимоий-коммуникатив фаолликка эгалликларини мустақил баҳолаш мақсади кўзланди. Ҳар бир мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги баҳоловчи мезонлар белгиланди:

1. Тарбиявий тадбирлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари:

1. Тадбирнинг ташкилий-методик жиҳатида кўра талабалар томонидан маъқулланиши.

2. Тадбирнинг талабаларда қизиқиш уйғота олиши.

3. Тадбирнинг мақсадга мувофиқ ташкил этилиши.



II. Респондент-талабалар томонидан ижтимоий-коммуникатив фаолликка эгаликларини мустақил баҳолаш мезонлари:

A. Тадбирнинг талабаларда ижтимоий қобилиятларни ривожлантириши:

ташкilotчилик қобилияти;

эмпатия (бошқаларнинг ҳиссий ҳолатини тушуна олиш) қобилияти.

ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш қобилияти.

B. Тадбирнинг талабаларда коммуникатив қобилиятларни ривожлантириши:

муҳокама жараёнини жонлантира олиш қобилияти;

сўз ёрдамида ва сўзсиз ўзаро таъсир кўрсатиш қобилияти;

тенгдошларни тинглай олиш қобилияти;

муҳокама мавзуси бўйича ўз нуқтаи назарини баён қила олиш қобилияти;

далиллар келтира олиш ва ўз позициясида қолиш қобилияти;

қарор қабул қилишда суҳбатдош (суҳбатдошлар) билан ўзаро муроасага кела олиш қобилияти.

Шундай қилиб, маънавий-маърифий ишлар жараёнида инглиз тили тарғиботини таъминлашга қаратилган бадий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини оширишга қаратилган илмий-педагогик тадқиқот ҳам саккиз босқичда амалга оширилди. Ҳар бир босқичда белгиланган вазифанинг ижобий ҳал қилиниши навбатдаги босқич, изчил равишда эса барча босқичларнинг муваффақиятли ташкил этилишини таъминлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бехтер А.А. Рефлексивное оценивание трудных жизненных ситуаций в выборе копинг-стратегий будущими специалистами // Ж. Акмеология. – М.: 2012. - № 3. – С. 115-116.
2. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ўқув-методик мажмуа / Тузувчилар: Н.А.Муслимов, М.Ҳ.Усмонбоева. – Т.: ТДПУ ҳузуридаги ПКҚТМОТМ, 2016. – 60-б.
3. Исмаилов М.К. Рефлексив ёндашув асосида талабаларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг эмпирик таҳлили // Замонавий таълим ж. / Ж. Современное образование. – Т.: 2021. - №3 (100). – 48-б.
4. Контроль, оценка, рефлексия // <https://scicenter.online/uchebnoy-deyatelnosti-metodologiya-scicenter/kontrol-otsenka-refleksiya.html>.
5. Критерии эффективности воспитательной работы // https://spravochnik.ru/pedagogika/kriterii_effektivnosti_vospitatelnoy_raboty.